Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 16 (301) • 2011 йил 26 апрель

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА:
# ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Тошкентда 22-23 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига оид долзарб масалалар муҳокама этилди.

Конференцияда жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатидан 200 нафардан зиёд хорижий олимлар, экспертлар ва жамоат арбоблари, шунингдек, БМТ, унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг ҳамда юртимиздаги фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва Ўзбекистон парламенти аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

*ЎзА материали асосида тайёрланди.*

## «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, сизларни – нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни чин қалбимдан қутлаб, «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги иштирокингиз учун самимий миннатдорлик туйғусини билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўзбекистонда мазкур Концепциянинг қабул қилиниши биз бу йил йигирма йиллигини нишонлайдиган давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларимизнинг мантиқий ва қонуний давомидир.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўзи учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, мамлакатимиз иқтисодиётни мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб четдан тиқиштирилган «шок терапияси» усулларини, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурларни рад этиб, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун», деган машҳур принципларга амал қилган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилишни поғонама-поғона, қадам-бақадам тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислоҳотларни олиб бориш имконини берди.

Бу модель, ўзининг мазмун-моҳияти билан, бутун тараққиётимиз давомидаги оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳар томонлама ҳаётийлигини намоён этди. Аввало, собиқ СССР тарқалиб кетганидан сўнг илгари шаклланган иқтисодий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишининг оқибатларига барҳам бериш, иқтисодиётнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши, ишсизликнинг авж олишига йўл қўймаслик, қисқа муддатларда мустақил ҳокимият институтларини тузиш зарурати, ўша пайтдаги мураккаб вазиятнинг ўзи айнан шу моделни танлашни тақозо этди.

Биз турли жозибали даъватларга учмадик ва тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечдик ва шу тариқа халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Улкан қийинчиликларга, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида биз енгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсди, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ўсди. Ушбу даромадларнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шакллариданва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлардир.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

2-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

### СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАБ, ТЕКШИРУВЧИЛАРНИ КУТМАНГ

**Президентнинг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4296-сон Фармони билан белгиланишича, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди** (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно). Шунингдек **2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда** солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш сурьатларини барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган **кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади** (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно). Кичик корхоналар фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтириш тақиқланади.

Текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, камерал назоратни кенг жорий этиш (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида); солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларнин бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш; тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш назарда тутилган.

### «МАТЛУБОТСАВДО» СОТИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 94-сон қарори билан «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компанияларини тугатиш қарори қабул қилинди.** Уларнинг таркибига кирувчи улгуржи ва чакана корхоналар келгусида ўз фаолиятини мустақил хўжалик юритувчи субъектлар сифатида амалга оширадилар.

3-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар Концепция жаҳон экспертлари нигоҳида

1, 3, 6-бетлар Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

4-5-бетлар Саволларга юристлар жавоб беради

7-8-бетлар Реклама

$1 = 1689,23 сўм  €1 = 2443,30 сўм  £1 = 2753,11 сўм  ¥10 = 203,87 сўм

# «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ–АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

1-бетда

Шу билан бирга, яхши тушунамизки, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишларимиз биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли юксак мақсадга – ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

Биз яшаётган глобаллашув асрида биринчи навбатда эришган натижалари билан кифояланмасдан, бугунги дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозонишини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Мантиқнинг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, биз эришган марралар, биз ўз олдимизга қўяётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволанишга, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислоҳотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Фақат кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Бизнинг Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз айнан шу талаб билан боғлиқ бўлиб, бу Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни янада изчил давом эттириш дастури ҳисобланади.

**Бу борада биз амалий асосга эга бўлган ва ҳаётнинг ўзи исботлаб берган бир ҳақиқатга суяниб-таяниб иш олиб бормоқдамиз. Яъни, сиёсий тизимни изчил демократлаштирмасдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлиги ва сайлов тизими ривожини таъминламасдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантирмасдан, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди.** Ва бунда тадрижий тараққиётни, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва изчилликни таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Баъзан учраб турадигандек, олиб борилаётган ислоҳотларнинг охирига етмасдан, юзаки ва пала-партиш тус олиб, демократик жараёнларнинг қандайдир сохта кўринишига айланиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Демократия – бу, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир.

Шуни тушуниб олиш кераккки, Концепция жамиятда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришларга доир барча масалаларни қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам унда асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган, улардан, бизнинг назаримизда, ислоҳотларнинг қуйидаги йўналишлари принципиал аҳамиятга эгадир.

**Бизнинг олдимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.** Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил ва тизимли равишда амалга ошириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг, давлат ва жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган ислоҳотларни давом эттиришимиз зарур.

Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партияларнинг Бош вазир номзоди бўйича таклиф киритиш ҳуқуқини, Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини жорий этишни назарда тутадиган ўзгартишлар киритилди. Парламентга мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳукумат раҳбари ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилган ва бошқа қатор принципиал янгиликларни киритиш кўзда тутилган. Шу тариқа ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини янада чуқур ислоҳ қилиш, уларнинг мустақиллигини, мустақил иш юритиш қобилиятини кучайтириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қонунчилик асослари яратилмоқда. Конституциянинг мазкур янги қоидаларини босқичма-босқич жорий этиш ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партиялараро рақобатни сезиларли даражада кучайтиришда сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш учун шароит яратади.

**Суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш биз учун энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.**

Концепцияга биноан, суднинг мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлаш, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича ишларни давом эттиришимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратишимиз, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

**Бизнинг олдимизда ахборот соҳасини демократик ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги вазифалар турибди. Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.**

Концепцияга мувофиқ, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари диққатимиз марказида бўлиб қолмоқда.**

Мамлакатимизда яратилган мустақил, моҳият эътиборига кўра ноёб бўлган сайлов тизимини янада демократлаштириш, хусусан, сайлов жараёнларининг янада очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқотларини ўтказиш механизми, сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси олдимизда турибди. Бунда биз сайловлар – мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг демократик руҳини намоён этадиган энг муҳим масала, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белги-аломати, халқ хоҳиш-иродасининг, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканидан келиб чиқамиз.

**Фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.**

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболағасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни, барқарорликни таъминлаш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Келгусида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларимизни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бошқа зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

**Бизнинг олдимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар турибди.**

Бугунги кунда биз чуқур таҳлиллар асосида 2011-2015 йилларга мўлжалланган, ўзаро боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни ишлаб чиқдик ва амалга оширишга киришдик. Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қулай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқаро мезонларини шакллантиришни кўзда тутади.

Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши узоқ истиқболда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсишига муҳим аҳамият қаратиш лозим. Чунки бундай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг изчил ривожланишини барқарорлаштириш ва рағбатлантиришнинг омили сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимизнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу анжуман иши давомида унинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ишлаб чиқиладиган хулоса ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги бизнинг фаолиятимизда ўзининг амалий ифодасини топади, деб ишонаман.

Конференциянинг барча иштирокчиларига самарали иш олиб боришларини тилайман.

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти.***

## УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида: демократик ривожланишнинг янги босқичи
– «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига
*1–2-бетлар*

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
*1, 3, 6-бетлар*

✓ **ҲУҚУҚ МАЙДОНИДА**
– Агар текширувчи ноҳақ бўлса...
– Тижорат йўналишидаги муассаса
– Муассислар таркибидан чиқариш
*4–5-бетлар*

✓ **top**
*7–8-бетлар*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 21.04.2011 | 1 | 0,7917 | 1 | 1,1532 | 1 | 0,0282 |
| Арманистон | 21.04.2011 | 1 | 375,82 | 1 | 550,01 | 1 | 13,48 |
| Беларусь | 22.04.2011 | 1 | 3044 | 1 | 4453,98 | 1 | 108,95 |
| Грузия | 21.04.2011 | 1 | 1,6447 | 1 | 2,3896 | 1 | 5,8435 |
| Қозоғистон | 22.04.2011 | 1 | 145,31 | 1 | 212,66 | 1 | 5,21 |
| Қирғизистон | 22.04.2011 | 1 | 46,916 | 1 | 67,8787 | 1 | 1,6629 |
| Латвия | 21.04.2011 | 1 | 0,488 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0173 |
| Литва | 22.04.2011 | 1 | 2,3624 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,4578 |
| Молдова | 21.04.2011 | 1 | 11,56222 | 1 | 16,7958 | 1 | 0,4118 |
| Тожикистон | 22.04.2011 | 1 | 4,4662 | 1 | 6,5251 | 10 | 1,5985 |
| Ўзбекистон | 19.04.2011 | 1 | 1689,23 | 1 | 2443,3 | 1 | 59,86 |
| Украина | 21.04.2011 | 100 | 796,54 | 100 | 1156,1778 | 10 | 2,8301 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаммаси ҳам солиқ текшируви натижаларига кўра тузилган қарор хулосаларига рози бўлавермайди. Агар бундай норозилик учун шахсий нуқтаи назарга эмас, балки қонун ҳужжатларининг қоидаларига таянганда жўяли асос-далиллар бўлса, корхона ўзининг ҳақлигини маъмурий ва суд тартибида ҳимоя қилиш имкониятидан фойдаланиши керак. Иккисининг ўз ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Қай шаклни танлашни тадбиркорлик фаолияти субъектининг ўзи ҳал қилиши керак.**

**Улардан биридан фойдаланганда қонун ҳужжатларининг муайян талабларига риоя этиш керак. Ушбу талаблар нимадан иборатлиги ва уларга қандай риоя этиш кераклигини мазкур мақолада кўриб чиқамиз.**

# АГАР ТЕКШИРУВЧИ НОҲАҚ БЎЛСА...

## ШИКОЯТ ҚИЛИШ КЕРАК

**Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга** *(Солиқ кодексининг 122-моддаси, бундан кейин – СК).*

Масалан, Мирзо Улуғбек туман солиқ инспекциясининг қарори устидан Тошкент шаҳар солиқ бошқармасига шикоят қилиш мумкин. Солиқ инспекторлари ва бошқа солиқ хизмати ходимларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятни эса улар ишлайдиган солиқ органининг юқори турувчи мансабдор шахсига юбориш зарур. Чунончи, туман ДСИ инспекторининг ҳаракатлари устидан шикоятни мазкур инспекциянинг бошлиғига юбориш керак.

Агар сиз шикоят қилишнинг суд тартибини танлаган бўлсангиз, айтайлик, Юнусобод туман солиқ инспекциясининг қарори устидан Тошкент хўжалик судига шикоят қилинади, унинг мансабдор шахси ҳаракатлари устидан эса шаҳарнинг фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро судига мурожаат қилинади.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, солиқ текширувларининг далолатномаларига доир шикоятлар қабул қилинмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномаси бўйича ўзининг ёзма тушунтиришларини ёки эътирозларини солиқ текширувини тугатган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тақдим этишга ҳақли, унга эътирозларнинг асосланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилади *(СК 102-моддасининг бешинчи қисми)*. Бироқ солиқ органларининг қарорлари (шу жумладан далолатномада келтирилган далиллар бўйича қабул қилинганлари) устидан шикоят қилиш мумкин. Шикоят қилиш тартиби СКнинг 18-бобида белгиланган.

Кўпинча солиқ тўловчилар қуйидаги хатога йўл қўядилар: ўз шикоятларида қўлланган молиявий санкцияларнинг моҳияти бўйича шикоят билдирмай, балки жарима миқдорини камайтиришни сўрайдилар. Бунда ўз илтимосларини қаноатлантириш учун турли асослар: санкцияларнинг содир этилган ҳуқуқбузарликка мутаносиб эмаслиги, молиявий аҳволлари оғир эканлиги ва шу каби далилларни рўкач қиладилар. Бироқ солиқ органлари бундай шикоятларни қаноатлантиришга ҳақли эмаслар.

## ЮҚОРИГА ЙЎЛЛАЙМИЗ

***ШИКОЯТНИ КИМ ҚАНЧА МУДДАТДА БЕРИШИ МУМКИН?*** У юридик шахс номидан берилади ва директор ёки ваколатлари ишончнома билан тасдиқланган бошқа шахс томонидан имзоланади.

Бунга ваколат берилмаган шахс томонидан имзоланган шикоят қайтариб берилиши мумкинлигига эътиборингизни қаратамиз. Ишончномада вакил солиқ органларига шикоят билан мурожаат қилишга ваколат олганлиги назарда тутилиши керак.

Солиқ тўловчи унинг ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган кундан бошлаб 30 кун мобайнида шикоят юқори турувчи солиқ органига берилади *(СК 124-моддасининг иккинчи қисми).*

Бироқ қайси кунни шундай кун деб ҳисоблаш керак?

СК 103-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ тўловчига топширилади. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади. Бинобарин, шикоят қилиш учун 30 кунлик муддат қарорнинг нусхаси топширилган кундан бошлаб ҳисобланиши керак.

***ШИКОЯТНИ ҚАНДАЙ ТУЗИШ КЕРАК?*** Биринчидан, шикоят қилинаётган ҳужжатнинг реквизитларини кўрсатиш, мансабдор шахснинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини тавсифлаш, шунингдек шикоят қилиш сабабларини кўрсатиш зарур. Ариза берувчининг асос-далиллари қанчалик батафсил ва тўла бўлса, шунча яхши.

Иккинчидан, солиқ тўловчининг ҳуқуқлари қанчалик жиддий поймол этилган бўлмасин, қўпол ва ҳақоратли сўзлар ҳамда иборапарни ишлатишдан қочиш керак. Шунингдек матнга солиқ низосининг моҳиятига тўғридан-тўғри дахли бўлмаган ва (ёки) мавҳум, ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларни (соғлом фикрга, ҳуқуқий онгга, жаҳон тажрибасига таяниш ва ҳоказо) киритмаслик керак.

Учинчидан, шикоятда солиқ тўловчининг қуйидаги реквизитлари албатта кўрсатилиши керак:

СТИР;

манзили;

ташкилот вакили билан боғланиш мумкин бўлган алоқа боғлаш телефони;

масъул шахснинг фамилияси, исми-шарифи.

Шикоятга уни асослайдиган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Қонун ҳужжатларида уларнинг аниқ рўйхати белгиланмаган. Солиқ тўловчи ўз хоҳишига кўра шикоят билан бирга қайси ҳужжатларни бериш ёки уларни умуман бермасликни танлаш ҳуқуқига эгадир.

Бунда қуйидаги ҳолни эсда тутиш лозим. Шикоятнинг юқори турувчи орган томонидан кўрилиши маълум даражада суд муҳокамасига ўхшашдир. У ерда ҳам, бу ерда ҳам икки тараф – солиқ органи ва солиқ тўловчининг ҳуқуқий позицияси таққосланади. Солиқ органининг позицияси ва унинг исбот-далиллари текширувлар материаллари, турли процессуал ҳужжатларда (далолатномалар, баённомалар ва ҳоказо) баён этилади. Солиқ тўловчи шикоятда ўзининг асос-далилларини келтириб, солиқ органининг позициясини рад этишга ҳаракат қилади. Шу боис унга илова қилинган ҳужжатлар унинг ҳаракатлари қонунийлиги ҳақида гувоҳлик бериши керак. Уларга шартномалар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, тўлов ҳужжатлари, ҳисобварақ-фактуралар ва ҳоказолар киради.

***ШИКОЯТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.*** Солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоят юқори турувчи солиқ органи томонидан шикоят олинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Уни кўриб чиқиш якунларига биноан юқори турувчи орган қуйидагиларга ҳақли:

шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш;

қуйи турувчи солиқ органининг шикоятга сабаб бўлган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш;



мазмунан қарор чиқариш.

Қабул қилинган қарор тўғрисида у қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун ичида шикоят берган шахсга ёзма тарзда хабар қилинади *(СКнинг 125-моддаси).*

## СУДГА БОРАМИЗ

Судга шикоят қилиш тартиби Хўжалик процессуал кодекси *(ХПК)* билан тартибга солинади. Солиқ тўловчи томонидан даъво аризаси берилганида аризанинг предмети ва аризачининг талабларини аниқлаб олиш зарур. Одатда солиқ органининг қарори устидан шикоят қилинганида қарорнинг ўзи предмет бўлади, талаблар эса уни ҳақиқий эмас (тўлиқ ёки қисман) эътироф этишга асосланади.

Судга даъво аризаси ёзилаётганида ХПКнинг 112–114-моддаларига амал қилиш лозим, улар ариза шакли ва мазмунига талабларни белгилайди. Шуни унутмаслик лозимки, даъвонинг ХПК 112-моддаси талабларига мувофиқ эмаслиги уни қайтариш учун асос ҳисобланади *(ХПК 118-моддасининг 1-банди).*

ХПК 112-моддаси биринчи қисмининг маъносига кўра даъво аризаси даъвогар ташкилот раҳбари ёки ваколатлари ишончнома билан тасдиқланадиган бошқа вакил томонидан ўз қўли билан имзоланади. Имзони механик ёки бошқача нусха кўчириш (факсимиле ва ҳоказо) воситалари ёрдамида қўйишга йўл қўйилмайди.

Ариза тузиш ва позициясини асослаш чоғида солиқ тўловчи қарорда келтирилган, ўзи рози бўлмаган далиллар ва хулосаларни кўрсатиши, шунингдек унинг фикрича мазкур қарор чиқарилганида поймол этилган ҳуқуқ меъёрларини, солиқ органи хулосаларининг ноқонунийлигидан далолат берадиган бошқа далиллар ва ҳолатларни келтириши керак. Ўз позициясини моддий ҳуқуқ меъёрлари билан асослашдан ташқари, солиқ тўловчи формал асосларга кўра ҳам, мисол учун, солиқ органи томонидан текширув ўтказиш, солиқ жавобгарлигига тортиш ва бошқа ҳолатлар тартиби бузилиши муносабати билан қарорни ҳақиқий эмас деб эътироф этишни талаб қилиши мумкин. Бироқ, муаллифнинг фикрича, бундай асослар фақат солиқ тўловчининг асосий позициясини тўлдириши керак, чунки амалиётда фақат формал асосларга кўра даъво талаблари камдан-кам ҳолларда қондирилади.

Судга ариза беришга тайёргарлик кўрар экан, солиқ тўловчи, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига риоя қилганлиги ва, тегишинча, талаб қилишига асос бўлган, унга айб қилиб қўйилаётган ҳуқуқбузарликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида гувоҳлик бериши керак бўлган исбот-далилларни топиши керак *(ХПКнинг 55-моддаси)*. Исботлаш базасини муайян вазиятдан келиб чиқиб

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

аниқлаш лозим. Солиқ органининг қарорларини ноқонуний деб эътироф этиш тўғрисида хўжалик ишлари кўрилаётганда ёзма далиллар исботлаш учун асос ҳисобланади. Уларга далолатномалар, шартномалар, маълумотномалар, ишга доир хат-хабарлар, шу жумладан факсимил, электрон ёки ҳаққонийлигини белгилаш имконини берадиган ўзгача алоқа усули ёрдамида олинган бошқа ҳужжатлар ва материаллар киради. Улар сирасига, муаллифнинг фикрича, бирламчи ҳужжатлар ва муайян операция содир этилганлигини акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, солиқ тўловчининг давлат органлари ва ўз контрагентларига у ёки бу далилларни тасдиқлаш илтимос қилинган сўровлари ва уларга олинган жавоблар ҳам киради.

Даъво талаблари қўйилишига асос бўладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва бошқа исбот-далиллар судга даъво аризаси билан биргаликда тақдим этилади. Уларнинг ҳажми ва рўйхати ҳар бир аниқ ҳолда алоҳида белгиланади. Бироқ даъво аризасига албатта *қуйидагиларни*:

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқлайдиган *(ХПКнинг 113-моддаси)*. Даъвогар уларни топширилганлиги тўғрисида билдирувнома илова қилинган буюртма хат билан юбориши керак;

даъво талаблари қўйилишига асос бўладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади.

**Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этиладилар** *(СК 330-моддасининг 3-банди)*.

### СУД ҚАРОР ҚИЛДИ

Низони моҳияти бўйича ҳал қилаётганда хўжалик суди мажлисда ўрганилган далилларгагина асосланган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади. У ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

1) далилларга баҳо беради;

2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;

3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;

4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;

5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди;

6) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади *(ХПКнинг 137-моддаси)*. Қарор у қабул қилинганидан кейин бир ой ўтгач кучга киради ва қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади. Ишда иштирок этувчи шахслар:

хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) *(ХПКнинг 156-моддаси)*;

хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти *(ХПКнинг 173-моддаси)*;

назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза *(ХПКнинг 192-1-моддаси)* топширишга ҳақлилар.

*Солиқ текширувининг натижасида, одатда, солиқларни қўшимча ҳисоблаб ёзиш, жарима санкциялари ва пеня қўллаш тўғрисида қарор чиқарилади. Бироқ солиқ тўловчи текширув далолатномаси бўйича асосли норозилик билдирганида солиқ органининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари (солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилишида ким тингловни бошқарганлигига қараб) баъзи фикрларга қўшилиши ва уларни қабул қилиши мумкин. Шу сабабли солиқ назоратининг барча босқичларида ҳуқуқларингиз, шу жумладан поймол бўлган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишга қўл уришдан чўчиманг.*

***Елена ЕРМОХИНА, «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқ масалалари бўйича эксперт-маслаҳатчиси.***

# ТИЖОРАТ ЙЎНАЛИШИДАГИ МУАССАСА

***Амалдаги қонун ҳужжатлари нодавлат илмий-тадқиқот муассасаларини (ИТИ, ИТЛ, ИИЧБ, ЛИТ ва бошқалар) барпо этишни тақиқламайди. Бинобарин, барпо этиш ва устав фаолиятини амалга ошириш мумкин. Бироқ давлат рўйхатидан ўтказишда муаммо юзага келди. Ҳокимлик ҳузуридаги инспекция адлия бошқармасига юборади, у эса яна орқага қайтаради. Ушбу органларнинг қайси бири МЧЖ шаклидаги илмий-тадқиқот муассасасининг уставини рўйхатдан ўтказиши керак?***

**«Хонқасаноатқурилиштехника» МЧЖ маъмурияти.**

– Масъулияти чекланган жамият – тижорий юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли *(Фуқаролик кодекси (ФК) 40-моддасининг иккинчи қисми, 58-моддасининг иккинчи қисми; 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон Қонун*[1]*, бундан кейин – 310-II-сон Қонун)*.

Муассаса – нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли *(ФК 40-моддасининг учинчи қисми, 76-моддаси, 1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон Қонуннинг*[2] *10-моддаси, бундан кейин – 763-I-сон Қонун)*.

Турли хилдаги ташкилотларнинг юридик мақоми кўрсатилган шакллар билан расмийлаштирилади. Шу сабабли **муассасани МЧЖ шаклида давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин эмас**. Ўз уставингизда сиз, эҳтимол, айтилган 2 шаклнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирадиган муҳим қоидаларни «аралаштириб» юборгангиз, шу боис у инстанциялар бўйлаб «сайр» қиляпти.

Сиз қандай ташкилотни: тижорий ёки нотижорат ташкилотини барпо этмоқчи эканлигингизни аниқлаштириб олинг. Шуни ҳисобга олган ҳолда ўзингиз танлаган турдаги юридик шахснинг таъсис ҳужжатларини тайёрлашингиз ва уларни рўйхатдан ўтказишингиз учун:

агар муассаса барпо этаётган бўлсангиз, адлия бошқармасига;

ёки

агар масъулияти чекланган жамият барпо этаётган бўлсангиз, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига тақдим этишингиз лозим.

#### МАЪЛУМОТ УЧУН

### ИККИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛНИНГ МУҲИМ ФАРҚЛАРИ

*__Масъулияти чекланган жамият__ таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган устав фонди (устав капитали) билан бирга таъсис этилади. МЧЖнинг асосий мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва даромад (фойда) олиш.*

*МЧЖнинг соф фойдаси масъулияти чекланган жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланади, улар МЧЖ мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида хатарга эга бўладилар.*

*(ФКнинг 62-моддаси; 310-II-сон Қонуннинг 3-моддаси).*

*__Муассаса__ бошқарув, ижтимоий, маданий ва нотижорат тусидаги бошқа вазифаларни амалга ошириш учун таъсис этилади.*

